

ҲАСАН АБУЛҶОСИМОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК
МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КИЧИК
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

NATIONAL
UNIVERSITY
OF UZBEKISTAN
NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK

346.26

A-20


1
эмв.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳасан Абулқосимов

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК
МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КИЧИК
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
Йўналишлари**

*Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон миллий университети
ташкил этилганлигининг
100 йиллигига бағишланади*



ТОШКЕНТ – 2017

УЎК 346.26(575.1)

КБК 65.9(5Ў)09

А 20

Абулқосимов Х.П.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Монография. – Т.: “ILMIY TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI”, 2017, – 208 б.

ISBN 978-9943-4852-7-3

Маслаҳатчи: Абулқосимов Абдусаттор Пирназарович

Тақризчилар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор Т.Т.Жўраев,

Иқтисод фанлари номзоди, доцент П.З.Хошимов

Мазкур монографияда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги ва устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. Ишда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш тадбиркорлик субъектларини турли таъдидлардан ҳимоя қилишнинг асосий шарти эканлиги баён қилинган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг рақобат ва таҳликалар шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини вужудга келтиришлари юзасидан илмий-назарий тақлиф ва амалий тавсиялар берилган.

Иш А-2-9 “Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий грант доирасида бажарилган. Ушбу монография иқтисодчи олимлар ва ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, олий ўқув юртлари талабаларига, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Монография Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Иқтисодийёт факультети Кенгашининг 2017 йил 26 апрель мажлисида (9-сонли баённома) муҳокама қилинган ва университет Илмий -техникавий Кенгашининг 2017 йил “26” апрель мажлиси (2-сонли баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4852-7-3

© АБУЛҚОСИМОВ Х.П., 2017

© “ILMIY TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI”, 2017

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади”¹, - деб таъкидлаган.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига турли иқтисодий таҳдидлар таъсир кўрсатади. Ушбу таҳдидлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инқирозга, банкротга учраш хавфини туғдириб туради. Шу боисдан, уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш зарурати мавжуд бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти хавфсизлигини таъминлаш учун мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида қилган

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир: Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 42-бет.

маърузасида “... тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу- хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир”¹, - деб таъкидлади. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ўзаро рақобат курашларида тенг имкониятларга эга бўлишлари ҳамда иқтисодий хавфсизликларини таъминлашнинг қулай институционал асосларини шакллантиради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози гирдобига тушган мамлакатлар тажрибаси бу жараёнда кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инқирозга учраётганликларини кўрсатмоқда. Бу эса жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш зарурати фақат инқирозлар таъсири билангина ифодаланмайди. Тадбиркорлик фаолияти таҳлика асосида, унинг манфаатларига иқтисодий таҳдидлар, рақобатчилар томонидан етказилиши мумкин бўлган зиён ва зарарлар кўриш ҳамда инқирозга учраш хавфи остида амалга оширилади. Шу боисдан, кичик бизнес фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш узлуксиз жараён бўлиб, ҳаётий аҳамият касб этади. Айниқса, бевосита товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса мазкур муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган тадқиқот иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий тизимида глобаллашув жараёнлари жадаллашган шароитда иқтисодий хавфсизлик муаммоларини илмий тадқиқ этиш кучайди. МДХ

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий ақунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик муаммолари А.Архипов, Н.Н.Вашекин, Е.Н.Ведута, М.И.Дзалиев, А.М.Жондаров, А.В.Колосов, Е.А.Олейников, В.К.Сенчагов, М.Спанов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган¹. Уларнинг асарларида асосан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган. А.Абдулла, А.В.Крысин, Г.Б.Клеонер, А.В.Колосов, Р.М.Качалов, В.Б.Зубик, Д.В.Зубик, Р.С.Селегов ва бошқаларнинг ишларида тадбиркорлик фаолияти, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари тадқиқ этилган².

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик муаммолари Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Исажанов, Ш.Р.Қобилов, А.Х.Содиқов, Қ.З.Фармонов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Ҳ.П.Абулқосимовнинг ишида бу масалалар мамлакат, корхона, шахс нуктаи назаридан, ички ва ташқи, хўжалик фаолиятининг пул-молия соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари ёритилган³. А.А.Исажоновнинг ишларида иқтисодий хавфсизликнинг ташқи жиҳатлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари ўрганилган⁴. Ш.Р.Қобиловнинг ишларида эса миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари глобаллашув ва коррупция билан боғлиқ хавфсизлик масалалари тадқиқ этилган⁵. Ҳ.П.Абулқосимов,

¹ Қарағ: Архипов А., Торолицкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценка, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики, №2, 1994; Вашенкин Н.П., Дзалиев М.И., Урсул А.Д. Экономическая безопасность: институциональный подход. – М., 2000; Ведута Е.Н. Стратегия экономической политика государства. – М.: Акад. Проект, 2004; Жондаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. Под общ. Ред. А.В.Колосов. МИ. Я: изд. РАГС, 2001; Общая теория национальной безопасности. Учебник. – М.: РАГС, 2003; Основы экономической безопасности / Под ред. Олейникова Е.А. – М.: ЗАО Бизнес школа «Интел-синтез», 1997; Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие / Книга четвертая. Ин-т Экономики РАН. – М.: ЗАО Финстатинформ, 2002 ва бошқалар.

² Қарағ: Клеонер Г.Б., Томбобоев В.М., Качалов Р.М. Предприятия в нестабильной экономической среде, риски, стратегии, безопасность. – М.: Экономика, 1997; Крысин А.В. Безопасность предпринимательской деятельности. – М.: Финансы и кредит, 1996; Зубик Д.В., Седегов Р.С., Абдула А. Экономическая безопасность предприятия (фирмы). – Минск, Высшая школа, 1998 ва бошқалар.

³ Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. –Т.: Akademiya, 2006; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2012.

⁴ Исажонов А.А. Конкурентоспособность национальной экономики: мировой опыт и современные тенденции развития // Экономический вестник Узбекистана, 1999. №6; Иқтисодий хавфсизликнинг ташқи жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999, 12-сон.

⁵ Қобилов Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006; Глобаллашув ва хавфсизлик. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006; Коррупция ва хавфсизлик. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006.

Қ.З.Фармонов, А.Х.Содиқовларнинг рисоласида мамлакат ташқи савдо соҳасида иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона тизимини ролини ошириш масалалари ёритилган⁶. Аммо республикамизда тадбиркорлик, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлик масалалари ўрганилмаган. Бу эса мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигидан яна бир бор далолат беради.

Мазкур ишда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш асосида кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари тадқиқ қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига хавф солувчи ички ва ташқи иқтисодий таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилди. Кичик тадбиркорлик фаолиятида таҳлика ва таҳдидлар, хавф-хатарлар ҳамда хавфнинг олдини олиш, улар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жараёнлари таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммолар аниқланди. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизминини такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилиниб, тегишли илмий-назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур иш бу борадаги дастлабки илмий ишлардан бири бўлганлиги учун уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларингизни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

⁶ Абулқосимов Ҳ.П., Фармонов Қ.З., Содиқов А.Х. Божхона ва иқтисодий хавфсизлик. –Т.: Iqtisod-moliya, 2009.

Ї-БЉБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг моҳияти

Иқтисодий фанларда бу тушунчалар илмий муомалада қўлланилмасдан анча аввалги даврларда ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг иқтисодий фаолиятдаги аҳамияти ва ролининг юқори эканлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд бўлган. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик Аристотелнинг “Экономика” асаридан энг аввало, деҳқончилик, ҳунармандчилик, майда савдода банд бўлганларнинг асосий ва шарафли фаолияти, деб эътироф этилган. Асарда деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлар тадбиркорлик билан инсонларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга эришиш мумкинлиги ва уларга давлат ғамхўрлик қилиши кераклиги таъкидланган¹. Соҳибқирон Амир Темур тадбиркорликка қатта эътибор бериб, иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, бошқарув ва ҳарбий соҳалардаги барча ғалабаларини ўзининг тадбиркорлик билан иш юритганлигидан, тадбиркорликни ўз тафаккури ва ҳаракатининг шиори қилиб олганлигидан билган². Амир Темур “Тузуқлар” рисоласида “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир” - деган.

Иқтисодиёт назариясида бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари XVIII асрда пайдо бўлди ва шу пайтдан бошлаб Р.Кантильон, А.Тьюрго, А.Смит ва бошқа кўп олимлар томонидан тадқиқ қилина бошланди. Тадбиркор атамасини иқтисодий адабиётда илмий муомалага инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон киритган. Унинг берган таърифиға кўра, тадбиркор – бу доимий даромадга эга бўлмаган деҳқон, ҳунарманд, савдогар, камбағал ва бошқалар бўлиб, ўзгалар молини муайян

¹ Алаев Л.Б., Адамба А.А., Вигасин А.А. и другие. Экономические взгляды Аристотеля /Всемирная история экономической мысли. В 6т. – М.: Мысль, 1987. – С.127-135; Абдурахманова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. 8-бет.

² Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. 11-бет; Абдурахманова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. 8-бет.

нархда сотиб олиб, уларни ва ўзининг молини ҳам муайян бўлмаган юқориқ нархда сотишга интилади. Унинг асосий иқтисодий вазифаси турли товарлар бозорларида талабга мос таклифни киритиш ҳисобланади¹. Р.Кантильон тадбиркорликни хавф-хатар ва ноаниқлик шароитидаги таваккалчилик фаолияти сифатида тавсифлаган. А.Смит бизнес ва тадбиркорликни шахсий фойда олиш учун таваккалчилик тижорат ғоясини амалга оширувчи мулкдор деб тавсифлайди. Мулкдор ишлаб чиқаришни ташкил қилади, режалаштиради, унинг натижаларини ўзлаштиради². И.фон Тюнен тасаввурига кўра эса, тадбиркорликнинг таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазифаларини бирлаштириш мумкин бўлиб, унинг даромади таваккалчилик фаолиятдан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинмаган даромаддан ташкил топади³.

Австриялик иқтисодчи олим Йезеф Шумпетер (1883-1950) тадбиркор учун мулк эгаллиги мақомининг шарт эканлигини инкор қилиб, унинг кишиларнинг турли табақаларига ҳослигини асослайди. У ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида тадбиркорни новатор, яъни янгилик яратувчи одам сифатида таърифлаган. Унинг фикрича, “тадбиркорнинг вазифаси янги кашфиётларни амалга татбиқ қилиш орқали ишлаб чиқариш услубини реформа қилиш (янгилаш)дан иборат. Кенг маънода кўриб чиқилганда тадбиркорнинг вазифаси – янги очилган бозор ёки хом-ашё базаси асосида янги товар ишлаб чиқариш ёки эскирганини модернизация қилиш учун янги технологиялар ишлатишдан иборат”⁴. Йезеф Шумпетернинг таърифига кўра, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, унинг янги йўллари белгиловчи ва янги комбинацияларини ишлаб чиқувчи шахсдир. Тадбиркор куйидаги вазифаларни амалга оширади:

-иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг янги шакллари
жорий этиш;

¹ Бутырин С., Брызгалин М.История Экономических учений. Учебник для вузов. 3-изд. – М.: Мысль, 2007. – С.123; Абдурахманова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. 8-9-бет.

² Смит Адам. Исследования о природе и причине богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. – С.332-334; 391-392.

³ Қаранг: Автономов В. Практика глазами теоретиков (феномен предпринимательства в экономической теории) // Предпринимательство в России. №4, 1997. – С.5-11; Бусыгин А.В. Предпринимательство. Основной курс: учебник для вузов. – М.:Инфра-М, 1997. – С.29-31.

⁴ Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – С.456.

- янги сотиш бозорларини эгаллаш ва аввалгиларидан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш;

- мавжуд саноат тармогида илгари қўлланилмаган янги ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш;

- ишлаб чиқаришда хом-ашёнинг янги туридан фойдаланиш;

- янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки аввалгисини сифат жиҳатдан такомиллаштириш¹.

Й.Шумпетер тадбиркор фаолиятининг қуйидаги мақсадли мотивларини кўрсатиб берган:

1) ҳукмронлик, ҳокимият ва таъсир доирасига эга бўлиш эҳтиёжи;

2) галабага эришиш иштиёқи, ўз-ўзини ва рақибларини энгишга интилиш;

3) ижод қувончи.

Ушбу мақсадли мотивлар асосида у инновацион тадбиркорликнинг қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб берган:

- истеъмолчиларга номаълум бўлган янги товарларни ишлаб чиқариш;

- янги товарларни ўзлаштириш;

- ишлаб чиқаришнинг давомийлигини, мавжуд товарларнинг харидорлигини таъминлай олиш;

- янги хом ашёларни ишлатиш;

- тармоқни такомиллаштириш².

Австриялик олимлар Л.Мизес ва Ф.Хайек ўз тадқиқотларида тадбиркорнинг шахсий қобилиятлари ва хусусиятлари, яъни унинг ўзгарувчан иқтисодий - ижтимоий ҳодисаларга муносабати, қарор қабул қилишдаги мустақиллиги, бошқариш қобилиятига, шунингдек, тадбиркорликнинг иқтисодий тизимни мувозанатлаштиришдаги ва тартибга солишдаги ролини таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратганлар.³

Америкалик иқтисодчи олимлар Р. Хизрич ва М.Питерслар тадбиркорликни қийматга эга бўлган бирон бир янги нарса, ашёни яратиш жараёни, тадбиркорни эса бунинг учун зарурий куч ва вақт сарфлаб, ўз зиммасига молиявий, психологик ва

¹ Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – С.169-170.

² Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – С.178-180; Предпринимательство в конце XX века. – М., 1992. – С.29.

³ Предпринимательство в конце XX века. – М., 1992. – С.34; Бусыгин А.В. Предпринимательство: основной курс: учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С.14.

ижтимоий тахликаларни олувчи ҳамда буларнинг эвазига мукофот сифатида пул ва ютуқлардан қониқиш олувчи шахс, деб таърифлаган¹.

Америкалик олим, Нобель мукофоти совриндори Р.Коузнинг фикрича, тадбиркор ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга қаратилган фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг муқобил йўллари ва воситаларини излайди. Фирма эса иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, ресурсларнинг йўналишлари тадбиркорга боғлиқ бўлган шароитда иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисидан иборат².

Америкалик олимлар К.Макконнелл ва С.Брю тадбиркорни ишлаб чиқариш омиллари бирлаштирувчи, катализатор вази-фасини бажарувчи, бизнес юритишда қарорлар қабул қилувчи, янги технологияларни жорий этувчи, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилувчи, тахлика қилишга мойил шахс сифатида изоҳлайдилар³.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина хориж адабиётларида “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари синоним тушунчалар сифатида талқин қилиниб, улар бир-бирларидан фарқ қилинмайди. Бозор иқтисодиёти субъектларининг ҳужалик фаолиятида “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари ўзаро яқин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Н.У.Бекнозов ҳам бу тушунчаларнинг бир хил маънога эга деб ҳисоблаб, уларни фарқламайди⁴. 2012 йил 2 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирининг 3-моддасида “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонуи ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”⁵, - деб таъриф берилган. Бундан кўринадики, бизнес ва тадбиркорлик бир хил негиз, шарт-шароит, тамойилларга эга бўлганлиги учун ҳам амалиётда бизнес

¹ Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. Вып. I. – М., 1991. – С.30.

² Коуз Р. Фирма, рынок и права. – М.: Республика, 1993. – С.37-38.

³ Beknosov N. Iqtisodiyot nasariyasi. – T.: TDY nash, 2005. 210-211-bet.

⁴ Макконнелл К., Брю С. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 томах. Том I. – М.: Республика, 1992. – С.38.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), 2012 йил 2 май.

ва тадбиркорлик ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби кўш номлар билан аталиб, бир хил маънода ишлатилади. Тадбиркорликка берилган бу таъриф айни пайтда бизнеснинг ҳам моҳиятини англатади.

“Тадбиркор” ва “бизнес” каби тушунчалари, уларнинг иқтисодий фаолият соҳаларини кўрилатганда маънодош деб ҳисобланмайди. А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар “бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир... Тадбиркорлик – кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик айланмасига тушириб, даромад топиш мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради”¹, - деб таъриф берадилар. Бу ерда муаллифлар бизнес ва тадбиркорликни фақат қонуний иқтисодий фаолият деб эътироф этадилар. Аммо амалиётда бизнес ва тадбиркорлик ҳам қонуний, ҳам ноқонуний тарзда амалга оширилиши мумкин. Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғофуровлар ҳам бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларини маъно жиҳатидан фарқлайдилар. Улар бизнесни даромад келтирувчи фаолият сифатида таърифлайдилар. Тадбиркорлик эса махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосида даромад олишга қаратилган фаолият, деб тавсифланади². Ф.Ф.Маматов ҳам “бизнес” тушунчасини “тадбиркорлик” тушунчасидан анча кенг маънога эга, деб қарайди³.

Ғарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес - жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими деб тушунтирилади. Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам ҳатти-харакатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотик каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес - бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир.

¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси Дарслик. – Т.: Мехнат, 1995. 192-бет.

² Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т., 2007. 136-бет.

³ Маматов Ф.Ф. Кичик бизнеснинг ривожланиш муаммоларига синергетик ёндашув асосида уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: Iqtisod-moliya, 2008. 13-бет.

Бизнинг фикримизча, бизнес фойда, даромад, наф олишга қаратилган иқтисодий фаолият юзасидан кишилар ўртасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. Тадбиркорлик бизнеснинг муҳим таркибий қисми, юз бериш шаклларида бири бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш орқали фойда, даромад олишга қаратилган фаолиятдир. Демак, бизнес кенгроқ маънога эга бўлиб, тадбиркорлик унинг бир шакли ҳисобланади¹ (қаранг: 1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Бизнес шакллари.

Бизнес фаолият турига кўра, тадбиркорликдан ташқари истеъмом бизнеси, касбкорлик бизнеси, яъни касб, лавозим имкониятларидан фойдаланиш асосида фойда ва наф олиш, бойликдан бойлик ундириш, тижорат-воситачилик бизнеси ва бошқа шаклларда ҳам намоён бўлади. Бизнес мулкчилик турларига кўра, давлат, хусусий ва аралаш ҳамда ҳуқуқий-қонунийлик нуктаи назардан ошқора, расмий, норасмий, яширин (хуфёна) шаклларида юз беради.

¹ Қаранг: Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йуллари. Монография. – Т.: ТМИ, 2005. 36-бет; Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. Монография. – Т.: Akademiya, 2006. 41-бет.

Бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари бир-бирларига якин, турдош тушунчалари бўлганликлари учун умумий хусусиятга эгадирлар. Бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

- мулк жамғаришга ва тўплашга интилиб, мулкый муносабатлар иштирокчиси бўлиш;

- фойда, даромад, наф олишга ва уларни максималлаштириш мақсадида иқтисодий фаолият билан шугулланиш;

- иқтисодий фаолият эркинлигига, фаолият турини ва соҳасини танлаш эркинлигига эга бўлиш;

- мулкый жавобгарликка, масъулиятга эга бўлиш, таҳликага мойиллик;

- тижорат сирини эга бўлиш ва уни сақлаш;

- ҳалоллик билан иш юритиш, обрў ва нуфузга эга бўлишга интилиш;

- иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, юритиш, бошқариш, унда қўлланиладиган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни уйғунлаштириш асосида юқори паф, фойда ва даромад топишнинг муқобил йўллари, воситаларини топа билиш;

- бозор конъюнктураси ўзгаришларига мослаша олиш, бошқа иқтисодиёт субъектлари билан рақобатлаша олиш;

- бунинг учун ўзининг иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш, унда фан-техника янгиликларини жорий этиш¹.

Бизнес ва тадбиркорлик ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий асослари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ижтимоий меҳнат тақсимотининг мавжудлиги ва ривожланиб бориши, ишлаб чиқарувчиларнинг бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш турига ихтисослашишининг кенгайиб бориши;

- товар-пул муносабатларининг ривожланиб бориши; бозор иқтисодиёти замонавий моделларининг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши;

- бозор, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиб бориши;

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Шақллаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Монография. – Т.: ТМИ, 2005. 36-бет; Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётда инсон омили: шақлланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. Монография. – Т.: Akademiya, 2006. 41-42-бетлар.

- хилма-хил мулк турлари ва шаклларининг ривожланиб бориши ҳамда хусусий мулк микёсларининг кенгайиб, устуворлигининг таъминланиши;

- хўжалик субъектларининг иқтисодий жихатдан мустақиллиги ва фаолият эркинлигининг охиб бориши;

- хўжалик субъектларининг танлаш эркинлигининг мавжудлиги ва таъминланганлиги;

- жамиятда кишилар онгида иқтисодий тафаккурнинг ривожланиб бориши:

- давлат томонидан мамлакатда қулай ишбилармонлик, бизнес юритиш учун мақбул шароит ва муҳитининг туғдириб берилиши, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашининг кучайиб бориши¹.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг шакллари ва хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида кучли рақобат курашида ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша оладиган ва фан, техник ва технологик янгиликларни ўз фаолиятида қўллаш оладиган, хўжалик юритиш ва бошқариш илми ва тажрибасига эга бўлган тадбиркор ва ишбилармонларгина ютиб чиқишади. Шу боисдан, шартли равишда тадбиркорликнинг икки хил модели, яъни классик (анъанавий) ва инновацион моделлари фаркланади.

Биринчи, классик (анъанавий) моделда тадбиркор ўз фаолиятини мавжуд бўлган ресурслардан самарали, оқилона фойдаланиш орқали максимум фойда олиш мақсадида ташкил этади. Тадбиркорнинг бундай хулқи ресурсларга йўналтирилган деб ҳам аталади. Бунда мақсад ва вазифалар мавжуд ресурслардан самарали, тежамкорлик асосида фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хўжаликни юритишнинг мавжуд шакл ва усуллари орқали амалга оширилади.

¹ Қаранг: Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Меҳнат, 1995. 190-200-бетлар; Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т., 2007. 135-137-бет.; Маматов Ф.Ф. Кичик бизнеснинг ривожланиш муаммоларига синергетик ёндашув асосида уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: Iqtisod-moliya, 2008. 12-14-бет; Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётда инсон омилли: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. Монография. – Т.: Akademiya, 2006. 41-42-бетлар.

Тадбиркорлик фаолиятининг инновацион модели унинг имкониятига йўналтирилган бўлиб, бунда у бозорнинг ўзгариб боровчи шароитларига мос равишда ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳамда хўжалик юритишнинг янгидан-янги шакл, усуллари кўллашга интилади. Инновацион тадбиркорлик фан-техника тараққиёти янгиликларини жорий этиш ва тадбиркорнинг ўз билими, малакасини муттасил ошириб бориши билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, у юқорида айтиб ўтилган тадбиркорлик қобилиятлари билан биргаликда тадбиркорлик тафаккурига ҳам эга бўлиши шарт ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари хилма-хил бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонунининг 4-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир. Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан, юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш, улар томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага бериш орқали кўшимча даромадлар олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги 103-сонли “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”ги қарорига асосан, қуйидагиларга тадбиркорлик билан шуғулланиши таъқиқланган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига;

- давлат банклари раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул(банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;

- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига;

- давлат таъминот ва савдо-сотик корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига;

- чакана, улгуржи - чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, торгларнинг, трестларнинг раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарларига, бош мутахассисларига, таркибий бўлимларининг бошлиқларига, моддий жавобгар шахсларга тадбиркорлик билан шугулланиш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш муҳимки, республикада тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари рухсат этилган:

- якка тартибдаги фаолият;

- ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;

- бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

Тадбиркорликнинг индивидуал ва жамоавий турлари мавжуд бўлиб, улар хилма-хил шаклларда амалга оширилади. **Индивидуал тадбиркорлик** бир шахс эгаллиги ва раҳбарлигида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, шахсий даромад ва фойда олишга йўналтирилган бўлади. Индивидуал тадбиркорлик хусусий тадбиркорлик бўлиб, ўзининг фаолияти натижалари (оқибатлари) учун ўз хусусий мулки билан тўлиқ ва чекланмаган жавобгарлик асосида амалга оширилади. Хусусий мулкдор ҳар қандай тадбиркор каби қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- корхона ташкил этиш;

- бирон-бир мулк ёки мулкрий ҳуқуқни қўлга киритиш (сотиб олиш);

- ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулкидан ёки корхонасидан келингув асосида фойдаланиш;
- ходимларни ёллаш ёки бўшатиш;
- банкларда ҳисоб очиш ва кредит олиш;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойдани солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, мустақил равишда ўз хоҳишига кўра тақсимлаш;
- валюта билан операцияларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Индивидуал тадбиркорлик жисмоний шахс мақомидаги яқка тартибдаги фаолият ва юридик шахс мақомидаги хусусий корхона ташкил этиб, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга оширилаётган тадбиркорлик шаклларида амалга оширилади. Унинг фаолияти тадбиркорнинг ўз хоҳишига кўра ёки суд қарори билан тўхталиб, бекор қилинади.

Жамоавий тадбиркорлик шахсларнинг бир гуруҳга бирлашиши ёки капиталларнинг бирлаштирилиши асосида ташкил топади. Шахсларнинг бирлашмалари иштирокчининг бирлашма фаолиятида шахсан қатнашишига асосланади. Шахсларнинг бирлашмасининг ҳар бир иштирокчиси хўжалик фаолияти юритиш, ваколатхонасига эга бўлиш ва бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунга чекланмаган масъулиятли жамиятлар мисол бўлади.

Капиталнинг бирлаштирилиши капитал маблағларнинггина кўшилишини ифодалайди. Бунда капитал эгалари корхонани юритишда ва бошқаришда иштирок этишмайди. Корхонани оператив бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш махсус ташкил этилган бошқарув органи томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар бунга мисол бўлади.

Тадбиркорларнинг бирлашмалари (гуруҳлари) шартнома асосида ёки низом асосида ташкил этилади. Шартнома асосида ташкил этиладиган тадбиркорлар жамоаси (бирлашмаси) иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини, бирлашма билан иштирокчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи шартномага кўра ташкил этилади. Низомли бирлашмалар низом асосида ташкил этилади. Низомда корхонанинг таркиби, мақсади, бошқарув органларининг ваколатлари, унинг аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланади. Жамоавий тадбир-

корлик шакллари ўзларининг умумий хусусиятлари, фаолият муддатлари, мулк эгаларининг мақоми, кўшимча аъзоларни жалб этиш имкониятлари, капиталининг шаклланиши хусусиятлари ҳамда шартнома ва низомининг асосий пунктлари билан фаркланади. Шунга кўра жамоавий тадбиркорликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- масъулияти чекланмаган жамият;
- коммандит жамиятлар;
- масъулияти чекланган жамият;
- акциядорлик жамиятлари (очик ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари);
- аралаш, кўшма тадбиркорлик;
- жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин.

Масъулияти чекланмаган жамият шерикларнинг жамият ишида шахсан иштирок этишига асосланган корхонани ташкил этади. Унинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- шериклар жамият (корхона)нинг мажбуриятлари бўйича чекланмаган жавобгар, яъни кредиторлар олдидаги мулкий жавобгарлик солидар ва чекланмагандир;
- масъулияти чекланмаган жамият мулки корхона бўйича шерикларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади;
- унинг мақоми ҳар бир мамлакатда турлича, ташкилий тузилмаси ўзгарувчан бўлиб, одатда, кичик ва ўрта корхоналар шаклида ташкил этилади.

Масъулияти чекланмаган жамият фаолияти муддати шартнома асосида белгиланади, аммо унинг бирон-бир шеригининг бевақт ўлими ёки жамиятдан чиқиши билан фаолияти тўхта-тилади. Жамиятнинг ҳар бир шериги унинг раҳбари ёки жамият бўйича бошқа шерикнинг вакили ҳисобланади. Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада қуйидаги ҳолатлар кўзда тутилади:

- иштирокчиларнинг номлари;
- корхона (фирма)нинг номи;
- жамиятнинг манзили;
- масъулияти чекланмаган жамият фаолияти тури;

- ҳар бир шерикнинг қўшган ҳиссаси;
- фойдани тақсимлаш тартиби;
- фаолият кўрсатиш муддати.

Коммандит жамиятларда шерикларнинг жамият ишида шахсан иштирок этиши, уларнинг капитал маблағларининг иштироки билан уйғунлашади. Коммандит жамиятларининг умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

- уларнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, бири коммандистлар, иккинчиси тўлиқ ўртоқлар ҳисобланади. Коммандистлар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича фақат ўз улушлари бўйича, тўлиқ ўртоқлар эса жами мулклари бўйича жавобгар бўладилар;
- жамият иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида белгиланади ва тартибга солинади.

Масъулияти чекланган жамиятлар корхонанинг шундай ташкилий шаклики, унинг иштирокчилари низом капиталига ўз улуш пайларини қўшадилар ва қўшган улуши (омонати) микдорида мулкый жавобгарлик ҳуқуқига эга бўладилар. МЧЖ шаклидаги корхона ўз мажбуриятлари бўйича бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади, унинг иштирокчилари эса қўшган улуш пай микдори бўйича жавобгар бўладилар. Пай гувоҳномаси қимматбаҳо қоғоз ҳисобланмайди, шу боисдан, фонд бозорларида муомалада юритилмайди. МЧЖ бошқариш органлари умумий йиғилиш ва ижро органларидан иборат бўлади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантиришнинг умумий йўналишларини белгилаш;
- ижро органларининг жамият фаолияти бўйича режа ва ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Низомни тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш;
- ижро органи аъзоларини ва тафтиш комиссиясини тасдиқлаш;
- МЧЖ таркибий тузилмасини ва ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
- корхона филиаллари, қизлик корхоналари ва ваколатхоналарни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- жамият фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги, айрим аъзоларни жамиятдан чиқариш ва бошқа қарорларни қабул қилиш.

МЧЖнинг ижро органлари корхона фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади. Уни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис (муассис)лик шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- жамиятнинг номи, манзили, таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар;

- МЧЖни ташкил этишдан мақсад:

- мол-мулкни шакллантириш тартиби;

- низом фонди (капитали), унинг миқдори ва иштирокчиларнинг омонатларининг тавсифи;

- ҳисоб рақами тўғрисидаги маълумот;

- иштирокчиларнинг ўз омонатларини қўшиш тартиби ва муддати;

- МЧЖ аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- жамият фойдасининг тақсимланиши;

- МЧЖ фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тўғрисидаги қондалар;

- шартноманинг амал қилиш муддати.

МЧЖ низомида қуйидагилар ўз ифодасини топади:

- жамият ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Одатда, низомда аъзолар корхона мажбуриятлари бўйича, жамият эса аъзоларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслиги кўрсатилади;

- корхона филиаллари, қизлик корхоналари, ваколатхоналари тўғрисидаги маълумотлар;

- МЧЖ бошқарув органларининг ваколатлари;

- жамият органлари бўйича қарорлар қабул қилиш тартиблари;

- пайни бошқа учинчи шахсга ўтказиш имкониятлари;

- аъзоларни қабул қилиш ва жамиятдан чиқариш тартиби;

- МЧЖ маблағларини у тугатилгандан сўнг тақсимлаш тартиби ва бошқа масалалар.

Акциядорлик жамиятлари (акциядорлар жамияти) - ишлаб чиқариш фондлари акциядорларнинг акцияларни сотиб олиш йўли билан қўшган улушлари ҳисобига ташкил топадиган корхонадир. Акцияларни чиқариш ва сотиш орқали индивидуал (якка) капиталлар бирлашади. Акциядорлар жамияти фойдаси унинг қатнашчилари ўртасида олган акцияларининг суммаларига

мос равишда тақсимланади. Акциядорлар жамияти низом асосида ташкил топади ва фаолият юритади, давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб эса, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. *Акциядорлик жамияти* - акциядорлар ва муассислар маблағи эвазига шаклланган капиталга эга бўлган ҳуқуқий шахс мақомига эга компания. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг маблағларни акция сотиш ва жойлаштириш йўли билан жалб этишга асосланган шаклидир. Акциядорлик жамиятлари очик ва ёпик турда мавжуд бўлади. **Очик турдаги акциядорлик жамияти** - акциялари очик савдога чиқариладиган ҳиссадорлик акциядорлик жамияти. **Ёпик турдаги акциядорлар жамияти** – акциялари очик савдога чиқарилмайдиган ҳиссадорлик акциядорлик жамияти. Таъсисчилар қарорига мувофиқ унинг акциялари ёпик обуна шаклида тарқатилиши мумкин.

Акциядорлар - акциядорлик жамиятининг аъзоси бўлиб, бунга бир ёки бир неча акцияларни сотиб олиш орқали эришади. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари мавжуд. Унинг ҳуқуқларига қуйидагилар киради: умумий йигилишларда қатнашиш, акциядорлик жамияти раҳбариятини сақлаш ва сақланиш, дивиденд кўринишида жамият фойдасидан олиш, акциядорлик жамияти тугатилса, акция қиймати ҳажмида мулкнинг бир қисмини олиш. Акциядорлар бурчи - акция қиймати ҳажмида ўзининг ҳиссасини жамият капиталига қўшишидир. **Акциядорлик капитали** – акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг ҳажми Низомда белгилаб берилади. Қарзга олинган маблағлар ва акция чиқариш ҳисобига шакллантирилади. **Акция** – бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир. Акция – акциядорлик жамияти томонидан чиқарилувчи ҳамда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бошқариш ва фойдадан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз. Белгиланмаган нархдаги акциялар ҳиссадорларга жамият бекор қилинаётган пайтда унинг ихтиёридаги маблағнинг маълум бир қисмини қайтариб бериш кафиллигини беради, лекин унинг қийматини тўлалигича тўламайди. Улар ҳеч қачон акциянинг белгиланмаган қийматини қайтариш кафиллигини бермайди. Шахсий акциялар эгалари

корхонанинг тегишли рўйхатида, албатта қайд этилган булиши шарт. Шахсий акциялар корхонанинг тегишли рўйхатига ўзгартиришлар киритиб сотилиши ҳам мумкин. Корхоналар бу турдаги акциялардан ўзининг акциядорлари бўлишни хоҳлаётган шахсларни аниқлаш ёки ўз акцияларини чет элликлар қўлига ҳаддан ташқари кўп тушиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида фойдаланадилар. Акция (биринчи чиқарилган – асосий акциялар) – акциянинг оддий турларидан бири бўлиб, овоз ҳуқуқини таъминлайди, бироқ дивиденд олиш кафиллигини бермайди. Имтиёзли акциялар – қимматбаҳо қоғозларнинг бир тури бўлиб, корхона оладиган фойданинг миқдорига қарамасдан, дивиденд олиш ҳуқуқига қафолат беради, лекин овозга эга бўлмайди.

Акция курси – қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган баҳосидир. Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг номинал қиймати дейилади, акция бозорида сотиладиган баҳо акция курси дейилади. Акция курси олинadиган дивиденд миқдorigа тўтри мутоносбликда фоиз ставкасига эса тескари мутоносбликда бўлади. Акция бўйича олинadиган даромади банкка қўйилган пулдан келадиган фоиздан кам бўлмаса, у сотиб олинади. **Акциянинг назорат қилиш пакети** бир жисмоний ёки ҳуқуқий шахс қўлида тўпланган акциялар улуши бўлиб, унга хиссадорлар жамияти фаолияти устидан ҳақиқий назорат қилиш имкониятини беради. Назарий жиҳатдан *акциянинг назорат қилиш пакети*нинг улуши жами чиқарилган акцияларнинг 51 %и дан кам бўлмаслиги керак, ammo унинг миқдори чегараланмаган. *Акциянинг назорат қилиш пакети*нинг улуши акциядорлар сонининг кўп ёки озлигига боглиқ бўлади. Жамоавий тадбиркорликнинг аралаш кўшма шакллари давлат ва хусусий мулкларнинг, мамлакатдаги хусусий ва давлат мулки билан хорижий инвестор сармоядорлар мулкнинг кўшилиши туфайли аралаш ва кўшма корхоналар ташкил этилишида намоён бўлади.

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги жамоавий тадбиркорлик фаолиятини **онлавий тадбиркорлик**, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин. **Деҳқон хўжалиги** – оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорка ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб реализа-

ция қиладиган юридик шахс мақомига эга бўлган ёхуд эга бўлмаган оилавий майда товар хўжалигидир.

Оилавий тадбиркорлик Ўзбекистонда ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Оилавий тадбиркорлик оилавий мулкка асосланган. Бу мулк эса жамоавий мулк шаклларида бири ҳисобланади ва оиланинг барча аъзоларининг мулккий ҳуқуқлари мавжуд бўлади. Оила хўжалигини юритувчи ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари эса эркин ишчи-хизматчи бўлиб, олинган даромадга эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу боисдан, Ўзбекистонда уни тартибга солишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик кичик, ўрта ва йирик бизнес, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби иборалар иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кўп қўлланилади. Ҳозирги пайтга келиб, кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам инглиз адабиётларида кенг қўлланиладиган “small business”, яъни кичик бизнес атамаси кўпроқ қўлланилади. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни таърифлайдиган учта ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: микдор, сифат ва комбинациялашган¹. Микдорий ёндашув асосида кичик бизнес субъектларини аниқлашда, асосан, ишловчилар сони, сотиш ҳажми ва фаолларнинг баланс қиймати каби кўрсаткичларнинг биронтаси олинади. Ўзбекистонда кичик бизнес, яъни кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлашда микдорий кўрсаткич, яъни ишловчилар сони асос қилиб олинган. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонунининг 5-моддасига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

- 1) якка тартибдаги тадбиркорлар;
- 2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик

¹ Маматов Ф.Ф. Кичик бизнеснинг ривожланиш муаммоларига синергетик ёндашув асосида уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. 17-18-бетлар.

сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

- енгил ва озик-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати, қурилиш материаллари саноати, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 2014 йил 1 январдан бошлаб кўпи билан икки юз кишига оширилди;

- машинасозлик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек, унитар (шўба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 350-моддасининг учинчи қисмига кўра, фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларига улар томонидан ваколатли органлар ва ташқилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат

статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, улар кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида бериллади. Бундай хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

- микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 % ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;

- кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 % ошадиган бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонунининг 6-моддасига кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади. Ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажа-

риш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳаққидир¹.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ англашилмаса, кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим. Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади².

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонунининг 7-моддасига кўра, жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин. Жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин. Оилавий тадбиркорликнинг амалга оширилиши, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги тузилиши,

¹ Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом.

² Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сон “Судлар томонидан никоҳни бекор қилишга оид ишларни қўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорнинг 22-банди.

фаолият кўрсатиши ҳамда фаолиятининг тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади¹.

1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда бу борадаги хориж тажрибаси

Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш унинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизмининг асосий ташкил этади. Шу боисдан, инглиз иқтисодчи олими Ж.М.Кейнс давлат турли бошқарув восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда инвестицион ва истеъмол фаолиятига таъсир кўрсатиши керак, истеъмолга мойиллик ва инвестициялашни амалга оширишни йўналтириш мақсади муносабати билан давлатнинг функцияси кенгаяди... мавжуд иқтисодий шаклларнинг батамом бузилишининг олдини олишнинг ягона амалий имконияти... шахсий ташаббусни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шароитдир, деб таъкидлаган².

Кичик ва ўрта бизнесни тартибга солиш У.В.Гафуров тўғри таъкидлаганидек, иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, “бу ўришда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш объекти сифатида намоён бўлишининг асосий сабабларидан бири – унинг жамият ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга бўлгани ҳолда, номукамал рақобат шароитида ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишда фаолият кўламининг чекланганлиги билан боғлиқ объектив омилларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Мазкур соҳанинг самарали фаолиятини таъминлаш, унинг тўлақонли амал қилиши ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз маҳмун ва мақсад-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-боби (“Оддий ширкат”) ва Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонуни.

² Қаранг: Кейнс Дж. Общяя теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ. 2002. – С.352; Джалилов А.А. Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари // Иқтисод-молия / Экономика и финансы. 2016 йил. 9-сон. – Б.38.

ларига кўра, иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши жараёнларининг узвий қисми ҳисобланади¹”.

Назарий жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг либерал, ижтимоий-йўналтирилган моделлари мавжуд. Либерал модель давлатнинг сезиларсиз даражадаги иштирокига асосланиб, куйидаги белгилари билан аниқланади: давлат ташкилотларининг қисқариши, кичик ва ўрта бизнес субъектларида либерализм, ижтимоий соҳадаги вазибаларни амалга оширишда давлат иштирокининг минимал даражада мавжуд бўлиши. Бу моделда, давлат асосан монетар сиёсат восита ва дастаклари орқали макроиктисодиётни барқарорлаштириш вазибаларини амалга оширади. Бу модель АҚШ, Франция, Буюк Британияга хосдир. Ижтимоий-йўналтирилган моделда давлатнинг иктисодиётга аралашуви юқори бўлиб, бозорнинг асосий қондаларини белгилашда давлат фаол иштирок этади; макроиктисодий жараёнлар, кичик ва ўрта бизнес фаолияти давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади; аҳолининг уй-жой, маданият ва таълим, иш билан банд қилиш, соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш давлат томонидан амалга оширилади².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш кўплаб мамлакатларда давлат иктисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айрим олимларнинг фикрича, жаҳон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш уч турдаги моделлар орқали амалга оширилади³.

Биринчи модель протекционистик ғояга асосланиб, унда ривожланган давлатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурларини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш “Кичик бизнесда инновацион тадқиқотлар дастури”

¹ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2017. – Б.15.

² Джалилов А.А. Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари // Иктисод-молия / Экономика и финансы. 2016 йил, 9-сон. – Б.38.

³ Колесникова Л. Порядок для хаоса: государство и предпринимательство в переходной экономике. – М., 2001. – С.77; Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Докторлик дисс. Автореферати. – Т., 2016. – С.15.

(SBIR) ва “Кичик бизнес технологиялари трансферти дастури” (STTR) каби дастурлар орқали амалга оширилади. Иккинчи модель аксинча, эркин тадбиркорликка асосланган моделдир. Бунга мисол тариқасида Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган йирик қўламли дастурлар қабул қилинмаслигини кўрсатиш мумкин. Учинчи комбинациялашган моделда юқорида кўрсатилган иккала модель бирлашган ҳолда амал қилади. Жумладан, Буюк Британияда шундай ёндашувчи кузатиш мумкин. Ушбу ёндашувда давлат даражасида эълон қилинган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари эркин тадбиркорлик асосида амалга оширилади¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш-тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун қулай муҳит, шарт-шароит яратишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий чора-тадбирлар тизимидир. Давлат органларининг иқтисодиётни тартибга солиш ва тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашдан кўзлаган мақсадлари қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этишнинг юқори даражасини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини таъминлаш;
- пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш;
- ташки иқтисодий мувозанатни сақлаш².

Давлатнинг тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги вазифалари мавжуддир:

1. Давлат томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида кишиларнинг фаолият рисклари билан боғлиқ бўлган инновация имкониятларини амалга оширишга қобилияти бор бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш.

2. Эркин рақобат муҳитини яратиш. Тадбиркорлик субъектлари эркин рақобат муҳити шароитида ўзларининг рақобат устунликларини таъминлаш учун фаннинг илгор ютуқ-

¹ Қоранг: Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Докторлик дисс. Автореферати. – Т., 2016. – С.15.

² Арипов О. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Фан, 2012. – Б.25.

- махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2-қисм. 30 сентябрь 2015 йил. – Т., 2015. 218-222- бетлар.
66. Эгамбердиев Ф.Т., Курбанова М. Предложение труда – как фактор экономической безопасности// Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини ошириш йўллари. Ўз.Рес. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 1-қисм. 30 сентябрь 2015 йил. – Т., 2015. 189-191- бетлар.
67. Эгамбердиев Ф.Т., Абдусалимов Л., Абдухолиқова Н. Иқтисодиёт реал секторининг инновацион тизимини такомиллаштириш-мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси сифатида.// “Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиб-лигини таъминлаш” илмий мақолалар тўплами. – Т., 2016.
68. Эгамбердиев Ф.Т., Абдуазизов Д. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари// “Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари” республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. 27 апрель 2016 й. 1-қисм. –Т., 2016. 58-60-бетлар.
69. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2000йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
70. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетень. – Т.: ИТМ, 2012.
71. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т.: ЦЭИ, 2013.
72. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари //Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.
73. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисоботи.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
1-боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг назарий, ижтимоий-иқтисодий асослари	7
1.1. Бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг моҳияти.....	7
1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг шакллари ва хусусиятлари.	14
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда бу борадаги хориж тажрибаси	27
2-боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши тенденциялари ва муаммолари	35
2.1. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	35
2.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми	45
2.3. Ўзбекистонда тадбиркорлик корхоналарининг умумий тавсифи	56
2.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. ...	61
3-боб. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти ва миллий хавфсизлик тизимида тутган ўрни.....	73
3.1. “Хавфсизлик” тушунчасининг моҳияти	73
3.2. Миллий хавфсизлик ва унинг таркиби.....	77
3.3. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти ва таркибий элементлари.....	81
4-боб. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш муаммолари	91
4.1. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари.....	91
4.2. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг турлари	97

5-боб. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлашда ишбилармонлик мухитини яхшилашнинг ролини кучайтириш.....	116
5.1. Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ишбилармонлик мухити институционал асосларини такомиллаштириш	116
5.2. Кичик бизнес субъектларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўллари.	126
5.3.Хусусий тадбиркорлик ривожланишини давлат томонидан рағбатлантириш йўллари.....	139
6-боб. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари	148
6.1. Тадбиркорлик корхона (фирма)си иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси.....	148
6.2. Тадбиркорлик корхонасида хавфсизлик хизматини шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари	156
6.3. Иқтисодий фирибгарликнинг олдини олиш усуллари	164
Хулоса	174
Изоҳли лугат (глоссарий)	182
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	198

Нашр.лиц. АЛ№ 283, 11.01.16. Босишга рухсат этилди 16.08.2017
Бичими 60×84 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитурасида рақамли босма
усулида босилди. Шартли босма табағи 13. Нашриёт босма табағи 13,25.
Адади 100. Буюртма № 19

«ILMIY TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI»
100017. Тошкент ш, М-5, 45/4

Абулқосимов Ҳасан Пирназарович

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК
МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КИЧИК
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

Монография

Бош муҳаррир:
Арипжанова Д.

Дизайнер:
Далабаева Н.

Компьютерда саҳифаловчи:
Имомов Ш.

ISBN 978-9943-4852-7-3



9 789943 485273

